

Қулматов Алимжон Абдуллаевич,
Ўзбекистон Миллий Университети доценти,
иқтисод фанлари номзоди

МИНТАҚАВИЙ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

УДК: 332.14

ҚУЛМАТОВ А.А. МИНТАҚАВИЙ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Мақолада минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланиш муаммолари, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш асосида аниқланади ҳамда уларни бар-тараф қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Таянч иборалар: минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизим, минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланиши, ички омиллар, ташқи омиллар; инерцион, эволюцион, мобилизация ривожланиш.

КУЛМАТОВ А.А. ФАКТОРЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНЫХ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СИСТЕМ

В статье определены проблемы устойчивого развития региональной социально-экономической системы на основе анализа внутренних и внешних факторов, а также выработаны рекомендации по их преодолению.

Ключевые слова: региональная социально-экономическая система, устойчивое развитие региональных социально-экономических систем, внутренние факторы, внешние факторы; инерционное, эволюционное, мобилизационное развитие.

KULMATOV A.A. FACTORS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF REGIONAL SOCIO-ECONOMIC SYSTEM

There is identified in the article the problems of sustainable development of the regional socio-economic system based on the analysis of internal and external factors, and also develops recommendations for overcoming them.

Key words: regional socio-economic system, sustainable development of regional socio-economic systems, internal factors, external factors; inertial, evolutionary, mobilization development.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 ноябрдаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича брифингдаги баёнотида минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, устувор соҳаларда мулоқот ва шерикликни ривожлантиришга келишиб олинганлигини таъкидлаб, жумладан, қуйидаги ечимини кутаётган вазифаларга тўхталиб ўтди: “Биз давлатларимиз ўртасидаги савдо тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини янада кучайтириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширамиз. Энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва минтақанинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз. Иқтисодий ва транспорт коридорларининг самарали минтақавий тизимини яратиш борасида фаол ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам давом этади. Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, экологик хатарларга қарши курашиш масалалари бўйича ҳам батафсил фикр алмашдик”¹.

Шу билан бир қаторда, инновацион технологияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” принципларини жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш орқали Оролбўйи муаммоларини ечиш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, Марказий Осиё халқларини бирлаштириб турадиган умумий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб боришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: «... Сенат – бу Олий Мажлиснинг ҳудудий вакиллик палатасидир. Бироқ Сенат фаолиятида ҳудудларнинг манфаатларини инобатга олиш, умуман, ҳудудларга оид масалаларни кўриб чиқиш яқин-яқингача эътибордан четда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Юқори палата томонидан муайян ҳудудни субвенция (дотация) дан чиқариш бўйича ҳокимнинг ахбороти бирор марта ҳам тингланмаган. Фақатгина 2018 йилда Сенат тарихида илк марта тегишли вилоят

ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Лекин булар ҳали етарли эмас. Айни вақтда юқорида зикр этилган парламент эшитувлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг мазмунини асосан ҳокимлик ва маҳаллий давлат идораларига умумий руҳдаги топшириқлар бериш билан чекланиб қолмоқда. Бу ҳужжатларда ҳар томонлама чуқур тайёрланган, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни ечишга, аҳолининг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ вазифалар ўз ифодасини топмаяпти. Шу билан бирга, ушбу қарорлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ишлари ҳам султ олиб борилмоқда”², деб таъкидлади. Буларнинг ҳаммаси минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланиш омилларини тадқиқ этиш масаласининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид илмий адабиётларнинг таҳлили.

Барқарор ривожланиш минтақавий тизимининг айни вақтда амал қилиш ва янги сифатларга эга бўлиш узунлиги ва узлуксизлигига хавф соладиган, турли зарарли омилларни бартараф қилиш ва юқори даражада чеклашга қаратилган ҳар хил турдаги мураккаб, мослашувчан таъсирлар бутун мажмуини қўллаган ҳолда ўз таркиби ва хоссаларининг нисбатан ўзгарувчан ривожланишини билдиради.

ИХТТ (OECD) тавсияларига кўра, барқарор ривожланишнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, бошқа тармоқлар, иқтисодий фаолият соҳа ва йўналишлари, аҳоли турмуш сифатининг динамик ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганилади³. Умуман, минтақанинг барқарор ривожланиши даражаси қатор табиий-экологик, сиёсий, жамоавий, иқтисодий ва ижтимоий тавсифдаги омиллар гуруҳи ўзаро таъсири билан белгиланади.

Барқарор ривожланишнинг табиий-экологик жиҳати табиий ресурсларни (ер, ўрмон, сув, тупроқ унумдорлиги, ҳайвонот олами) тежамкорлик тамойиллари асосида такрор ишлаб чиқаришни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 ноябрдаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича брифингдаги баёноти. - <https://president.uz/uz/lists/view/3111>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 июнидаги Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. - <https://president.uz/uz/lists/view/2692>

³ Towards Sustainable Development: Indicators to Measure Progress. Rome Conference. OECD, 1998. P. 139.

таъминлаш, шу жумладан, кишиларнинг келажак авлоди учун рационал фойдаланишни кўзда тутуди. Барқарорликка бундай ёндашув улардан фойдаланишнинг юқори даражада қисқариши, ўринбосарларини излаш, ресурс-тежамкор технологияларни кенг жорий қилишни билдиради.

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланиш омиллари бошқа гуруҳларининг ўзаро таъсири берилган мезонларга мувофиқ, минтақанинг бир бутун ва мувозанатли ҳолатини кўзда тутуди: моддий, меҳнат ва молиявий кўрсаткичлар мувозанатдалиги, давлат, аҳоли ва ҳамкорлар олдигаги мажбуриятларнинг бажарилиши, ташқи муҳит ўзгаришларини ҳисобга олиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ва умр узунлигини таъминлаш лаёқати ва ҳ.к.¹ Барқарор ривожланиш омилларининг ўзаро таъсирига бундай ёндашув тизимли-конструктив тавсифга эга ҳамда объектга нафақат ташқи муаммолар ва ички хатарларга қарши туришни таъминлаш имконини берадиган бошқарув ва мувофиқлаштириш усулларига қаратилган, балки чуқур ўзгаришларга, ўзгариб бораётган ички ва ташқи шароитларга тезкор мослашувчанлик ва эгилувчанлик лаёқати ҳамдир. Бундан барча функционал соҳалар ва салоҳиятни тартибга солишнинг комплекс усулларига асосланган минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларни барқарор ривожлантириш омилларини бошқаришнинг муқаррар зарурияти, минтақанинг стратегик истиқболда амал қилиниши зарур кўрсаткичларини таъминлаш учун етарли таъсирлар ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлик келиб чиқади. Бу масалада ҳам барқарор ривожланиш жараёнларини бошқаришнинг асосий вазифаси барча хатарлар ва йўқотишларни энг кам даражага келтиришдангина эмас, балки ташқи муҳит қонуниятлари ва жараёнларига мувофиқ, ривожланиш омилларидан фойдаланиш ва келажакни кўра билишдан ҳам иборатдир.

Шу билан боғлиқ равишда, бошқарув субъектининг объектга таъсири сифатида чиқадиган минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларни барқарор ривожлантириш механизми иккита асосий вазифанинг ҳал қилинишини таъминлаши зарур: 1) жорий фаолиятнинг зарурий барқарорлиги ва мувозанатини; 2) истиқболда

ривожланишнинг зарурий суръатларига эришиш ва ўзгаришларнинг ўз вақтидалигини.

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланиш даражаси минтақанинг хўжалик фаолиятига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган, унинг рақобатбардошлигини белгилайдиган ички ва ташқи муҳит омилларини бирлаштириш натижасини ўзида мужассамлаштиради². Ташқи омиллар қаторида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, технологик ва минтақа амал қилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ташқи таъсирлар кучларини қайд этиш лозим. Бундай омиллар гуруҳини ташқи муҳит омилларига киритиш, мақсадга мувофиқ.

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимлар ички омиллари орасида табиий-ресурс, ижтимоий-сиёсий, институционал, ташкилий-бошқарув, бозор, илмий-техника тараққиёти кабиларни ўрганиш зарур. Бизнинг фикримизча, минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланиш ички омилларининг бутун мажмуини қуйидаги гуруҳларга киритиш мумкин:

- минтақа салоҳиятини белгилайдиган ресурслар;

- минтақанинг ривожланиш жараёнига бошқарувчилик таъсирини кўрсатиш имкониятини белгилайдиган регуляцион гуруҳлар.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий тизимларининг барқарор ривожлантириш ҳолатини белгилайдиган асосий омиллар мажмуининг умумлашган функционал алоқасини (C_{op}) қуйидаги эмпирик боғлиқлик кўринишида тасвирлаш мумкин:

$$C_{op} = f(\text{Фтм, Фим, Фис, Фиа, Фр, Фс, Фх, Фнт}),$$

Бу ерда Фтм – ташқи муҳит омиллари; Фим – ички муҳит омиллари; Фис – минтақа иқтисодий салоҳияти омиллари; Фиа – ижтимоий аҳвол омиллари; Фр – ривожланиш имконияти омиллари; Фс – самарадорлик омиллари; Фх – хатар омиллари; Фнт – ноаниқ тавсифдаги омиллар.

Таҳлилда минтақа барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай омилларга ноаниқ тавсифдаги омиллар ва хатар омилларини киритиш мумкин. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланишига бундай омиллар таъсирининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

¹ Рыбнов Е. И. Управление изменениями в организации для сохранения ее экономической устойчивости / Е. И. Рыбнов, М. А. Асаул // Вестник гражданских инженеров. - 2007. - № 4 (13). - С 24.

² Портер М. Международная конкуренция. — М.: "Международные отношения", 1999. — 572 с.

Биринчидан, салбий омиллар одатда кенг тавсифга эга ва ташкил қилиш мақбуллигини ҳамда юзага келган тартиботларни бузган ҳолда минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизим унсурлари ва алоқаларининг катта қисмини вужудга келтиради¹.

Иккинчидан, минтақа барқарор ҳолатининг бузилиши салбий омилларни бартараф қилишга ресурсларни жалб қилган ҳолда иқтисодий салоҳият таркибини кескин ёмонлаштиради.

Учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (кўрсаткичларнинг ўсиши) суръатлари барқарорлик механизми унсурларининг катта номувозанатиға олиб келиш орқали пасаяди.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг услубий асосини диалектика-нинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этди. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганишда минтақа иқтисодиётидаги ҳодиса ва жараёнларни миқдорий ўрганиш, яъни, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – Миллий Ҳисоблар Тизимининг институционал бирликлар, яъни минтақа иқтисодий ҳудудида жойлашган резидентларнинг маълум давр ичидаги ишлаб чиқариш фаолияти пировард натижаларини тавсифловчи асосий кўрсаткичидир. ЯҲМ ишлаб чиқариш усули бўйича асосий нархларда ва маҳсулотларга соф солиқлардаги иқтисодий фаолият турлари бўйича қўшилган қиймат суммаси сифатида ҳисобланади (1-жадвал).

2018 йил натижалари ЯҲМнинг илгарилорчи ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри (108,1%), Андижон (112,2%) ва Тошкент вилоятларида (106,4%) қайд этилди. Республика (105,1%) суръатларига нисбатан ЯҲМнинг паст ўсиш суръатлари Самарқанд (99,3%), Қашқадарё (101,0%), Сурхондарё (101,0%) ва Сирдарё (102,1%) вилоятларида кузатилди. Республика ЯИМнинг шаклланишига каттароқ ҳиссани 13,1% ли салмоқ билан Тошкент шаҳри қўшди. Тошкент ва Самарқанд вилоятлари, мос равишда, 9,4% ва 7,7% ли кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгал-

лади. Республика ЯИМнинг шаклланишида энг паст ЯҲМ салмоғи Сирдарё (2,0%), Жиззах (2,9%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,5%) қайд этилди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМ ҳажми 2018 йил давомида 14185,2 миллиард сўмни ташкил этди ва ҳақиқий ифодасида аввалги йилга нисбатан 3,4% га ўсди. ЯҲМнинг ўсиши минтақа иқтисодиётининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 103,0% (ЯҲМ таркибидаги улуши – 28,8%), саноат – 100,6% (31,3%), қурилиш – 105,4% (6,3%), хизматлар соҳаси – 105,3% (33,6%) каби асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари билан белгиланади. ЯҲМнинг аҳоли жон бошига нисбатан миқдори 7642,9 минг сўмни ташкил этди ва 1,9% га ўсди.

Минтақаларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши Андижон (2017 йилга нисбатан 155,8% га), Хоразм (117,3%), Сурхондарё (115,7%), Тошкент (115,6%) ва Наманган (111,9%) вилоятларида ишлаб чиқаришнинг анча ўсишига олиб келди.

Республика саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариши таркибида каттароқ салмоқ Тошкент шаҳрига (республика саноати ҳажмининг 18,6%), Тошкент (15,3%), Андижон (11,8%), Навоий (9,9%), Қашқадарё (6,2 %) ва Фарғона (5,6%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади (1-расм).

Бунда камроқ салмоқ Сурхондарё (республика ишлаб чиқариши умумий ҳажмига нисбатан 1,4%), Жиззах (1,4%), Сирдарё (2,2%), Наманган (2,5%) ва Хоразм (2,6%) вилоятларига тўғри келади. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши табақалашувининг таҳлили Навоий вилояти (23343,2 минг сўм), Тошкент шаҳри (17123,9 минг сўм), Тошкент (12160,0 минг сўм) ва Андижон (8867,7 минг сўм) вилоятларида ўртача Республика кўрсаткичидан (6944,7 минг сўм) ўсишини кўрсатди.


Минтақалар кесимида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Андижон (2017 йилга нисбатан 153,2% га), Хоразм (115,4% га), Тошкент (114,2%) ва Сурхондарё (113,2%) вилоятларида кузатилди. Бунда паст ўсиш суръатлари Жиззах вилоятида (100,2%) қайд этилди.

Бугунги кунда Республикада 56,9 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, улардан 13427 таси (фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонидан 23,6% и) Тошкент шаҳрига, 6268 таси (11,0%и) Фарғонага вилоятига, 6019 таси (10,6%и) Тошкент вилоятига тўғри келади. 2018 йил давомида Республикада 11,3 мингта саноат корхонаси

¹ Sayles, Michael C. Instructions on Where to Stand When It Hits the Fan // Managers Magazine, Apr 1990, p. 16-18.

1-жадвал. Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулотда ҳудудларнинг иштироки, % да¹

| Ҳудудлар | 2018, млрд. сўм | Жамига нисбатан фоизда, % | Ўсиш суръати | Аҳоли жон бошига, млрд. сўм | Ўсиш суръати |
|------------------------------|-----------------|---------------------------|--------------|-----------------------------|--------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 407 514,5 | 100,0 | 105,1 | 12 365,6 | 103,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 14 185,2 | 3,5 | 103,4 | 7 642,9 | 101,9 |
| Андижон вилояти | 27 121,6 | 6,7 | 112,1 | 8 923,9 | 110,2 |
| Бухоро вилояти | 21 151,9 | 5,2 | 104,6 | 11 222,4 | 103,1 |
| Жиззах вилояти | 11 820,2 | 2,9 | 102,6 | 8 830,3 | 100,7 |
| Қашқадарё вилояти | 28 412,2 | 7,0 | 101,0 | 8 932,1 | 99,0 |
| Навоий вилояти | 21 729,0 | 5,3 | 103,4 | 22 489,1 | 101,7 |
| Наманган вилояти | 18 141,4 | 4,5 | 102,5 | 6 654,7 | 100,6 |
| Самарқанд вилояти | 31 187,4 | 7,7 | 99,3 | 8 295,8 | 97,3 |
| Сурхондарё вилояти | 17 061,9 | 4,2 | 101,0 | 6 712,5 | 98,9 |
| Сирдарё вилояти | 8 200,5 | 2,0 | 102,1 | 9 966,6 | 100,4 |
| Тошкент вилояти | 38 398,7 | 9,4 | 106,4 | 13 333,4 | 105,1 |
| Фарғона вилояти | 25 181,2 | 6,2 | 103,9 | 6 895,7 | 102,2 |
| Хоразм вилояти | 15 154,2 | 3,7 | 103,0 | 8 325,6 | 101,3 |
| Тошкент шаҳри | 53 287,1 | 13,1 | 108,1 | 21 419,4 | 106,2 |

1-расм. Саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да

янгитдан тузилди, улардан 51%и Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади.

Фермер хўжаликлари ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантиришга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш доирасида 2018 йил бошидан буён республиканинг 20 та туманидаги 160 минг гек-


тар ҳудудда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг кластер шакли жорий этилди².

2018 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришишнинг муҳим омили ривожланиш Давлат дастурига киритилган қуйидаги йирик лойиҳалар бўлиб қолди:

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2018 года. –Т.: 2019. –С.19-20.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 744-сон қарори. - <https://lex.uz/docs/3906244>

2-расм. Фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг сони, бирлик (2019 йил 1 январь ҳолатига)



- тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш бўйича Шўртан ГKM қурилиши;

- Бухоро вилоятида замонавий газни қайта ишлаш заводи ҳамда Хавзак ва Шоди конлари қурилиши билан Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириш;

- Қашқадарё вилоятининг Ғузор инвестиция блоки ва Устюрт минтақаси ҳудудларида углеводородларни қазиб олиш ва конларини ишлаш;

- Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт ли икки буғгаз қурилмалари таркибида умумий қуввати 900 МВт ли янги иссиқлик электростанцияси қурилиши;

- Тахиатош ИЭС да 230-280 МВт қувватли иккита буғ газ қурилмасининг қурилиши;

- Навоий ИЭС да 450 МВт қувватли буғ газ қурилма қурилишини кенгайтириш;

- “Навоийазот” АЖ да каустик сода ва метанол поливинилхлориди ишлаб чиқариш мажмуасининг қурилиши.

Мазкур лойиҳалар Ўзбекистон Республикасига ҳукумат кафолати остида хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатларига эришишнинг асосий омилларига айланди.

2018 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги йирик лойиҳалар амалга оширилди:

- Тахиатош ИЭСда - 230-280 МВт қувватли иккита буғ газ қурилмасининг қурилиши;

- “Кўкпатас” ва “Даугизмау” руда конларидан олтин қазиб олиш технологиясини такомиллаштириш;

- Аумин-Омонтой руда майдони конлари олтинли рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича кон қурилиши (ТМЗ-5) (I-II босқичлари);

- Шеробод туманида цемент заводи қурилиши;

- Тошкент вилоятида Ёшлик-1 конларининг ўзлаштирилиши (Олмалиқ шаҳри);

- “Мурунтоғ” карьерини қайта ишлаш (V навбати).

Бундан ташқари, барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим муаммоси шундаки, ўз мақсади ва манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил равишда бошқарув қарорларини қабул қиладиган кўплаб субъектлар минтақа ривожланишига таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатларнинг манбаи ҳисобланади. Бундай субъектларга давлат ва минтақавий ҳокимият органлари, бошқа минтақалар, маҳаллий тузилмалар, корпорациялар, жамоат ташкилотлари ва бошқалар киради. Барқарор минтақавий ривожланиш сиёсати бу субъектларга хулқ-атвор умумий йўналишини белгилаб бера олмайди. Бироқ уларнинг фаолияти минтақа ривожланишига тегишли қисмини мувофиқлаштиришда ёрдам кўрсатиши мумкин.

Хулоса.

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш масаласига мураккаб ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва ташкилий вазифаларнинг ечими сифатида қараш лозим. Минтақавий тизимларнинг барқарор ривожланишига ёндашув қуйидаги тамойиллар асосида ривожланиши керак:

– ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгаришларнинг асосланган тавсифи;
 – минтақавий муносабатлар барча субъектларининг манфаатларини таъминлаш;
 – минтақадаги экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни зиддиятларсиз ҳал қилиш.
 Минтақани барқарор ривожлантириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиш учун асосий омилларни ажратиш ва уларнинг муваффақиятли қўлланилиши учун зарурий шароитлар яратиш зарур.

Асосий омиллар минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш салоҳиятини, шу жумладан, меҳнат ресурслари омилининг мавжудлиги ва ҳолати (билим ва малака ресурси, жалб қилинмаган меҳнат ресурси, баҳоланмаган ва фойдаланилмаган ресурс ва ҳ.к.) ни белгилайди; табиий ресурс омиллари гуруҳини (баҳоланган ва оборотга жалб қилинган, фойдаланилмаётган ва баҳоланмаган ресурсларни); ишлаб чиқариш ресурслари омиллари гуруҳини ва ҳ.к. ни ҳам ўз ичига олади.

Бироқ асосий омиллардан ҳақиқатда фойдаланиш ва фаолият натижасига айлантириш кўп жиҳатдан мавжуд шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб, улар қаторида сиёсий барқарорлик, қонунчилик ва меъёрий – ҳуқуқий тизим, криминал вазият, тadbиркорликка маъмурий тўсиқлар ва қоғозбозлик даражаси, молиявий тизим барқарорлиги, солиқ ва кредит тизими, маҳсулотлар рақобатбардошлиги ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланишини ошириш кўп

жиҳатдан минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Масалан, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари уларнинг сони ва сифатининг ўзгаришига олиб керади. Илмий-ишлаб чиқариш омиллари табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаши мумкин. Меҳнат омиллари ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Ўз навбатида, молиявий омиллар меҳнат салоҳиятини фаоллаштириш ҳисобига табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларини барқарор ривожлантиришни таъминлашда қатор стратегик йўналишларни ажратиш мумкин: инерцион, эволюцион, мобилизацион.

Минтақанинг тарихан вужудга келган ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланишининг инерционлиги минтақалар иқтисодий тизимлари барқарорлигининг асоси ҳисобланади.

Эволюционлик омилларнинг тўпланиши, ўзгариши ва ўзгариш натижаларининг пухта асосланганлиги ва кетма-кетлигини билдиради.

Мобилизационлик ресурслар ва салоҳиятларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларида мужассамлантириш заруратини кўрсатади.

Республикага татбиқан минтақалар салоҳиятини иқтисодий баҳолаш ва амалиёти таҳлили уларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун бу йўналишларни бирлаштириш зарурлигидан далолат беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 ноябрдаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича брифингдаги баёноти. - <https://president.uz/uz/lists/view/3111>
2. Towards Sustainable Development: Indicators to Measure Progress. Rome Conference. OECD, 19P. 139.
3. Рыбнов Е.И. Управление изменениями в организации для сохранения ее экономической устойчивости / Е.И.Рыбнов, М.А.Асаул // Вестник гражданских инженеров. - 20- № 4 (13). – С 24.
4. Портер М. Международная конкуренция. — М.: Международные отношения. – 19– 572 с.
5. Sayles, Michael C. Instructions on Where to Stand When It Hits the Fan // Managers Magazine, Apr 1990, p. 16-18.
6. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2018 года. –Т.: 20– 333 с.